

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ ЗАХРИДДИН ЭШҚОБИЛОВИЧ

**ПАНЖАРАДАГИ КЎП ЗАРРАЧАЛИ ШРЁДИНГЕР
ОПЕРАТОРЛАРИНИНГ СПЕКТРИ ҲАҚИДА**

01.01.02- Дифференциал тенгламалар ва математик физика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Мўминов Захриддин Эшқобилович

Панжарадаги кўп заррачали Шрёдингер операторларининг спектри
ҳақида..... 3

Muminov Zahriddin Eshkobilovich

On the spectrum of multi-particle Schrödinger operators on a lattices..... 27

Муминов Захриддин Эшқобилович

О спектре многочастичных операторов Шрёдингера на решетках..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ ЗАХРИДДИН ЭШҚОБИЛОВИЧ

**ПАНЖАРАДАГИ КЎП ЗАРРАЧАЛИ ШРЁДИНГЕР
ОПЕРАТОРЛАРИНИНГ СПЕКТРИ ҲАҚИДА**

01.01.02- Дифференциал тенгламалар ва математик физика

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/FM168 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ik-fizmat.nuu.uz>) ва «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Лақаев Саидахмат Норжигитович
физика-математика фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Алимов Шавкат Арифжанович
физика-математика фанлари доктори, академик

Ғанихўжаев Расул Набиевич
физика- математика фанлари доктори, профессор

Халхўжаев Аҳмад Мияссарович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Хўжа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 26 август 2021 йил соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, э-маил: nauka@nuu.uz)

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.С.Садуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Н.К.Мамадалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, PhD

Ш.А.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, аксарият ҳолларда микродунёда кечаётган жараёнларнинг илмий моделларини қарайди. Микродунё ҳодисаларининг назарияси М.Планк, А.Эйнштейн, В.Гейзенберг, Э.Шрёдингер, В.Паули, П.Дирак ва бошқа олимлар томонидан яратилган квант механикаси дир. Квант механикасининг ҳар қандай системасида энг муҳим физик миқдорлардан бири бу энергия дир. Энергия (гамильтониан ёки Шрёдингер) операторининг спектрал хоссаларини таҳлил қилиш квант механикасининг асосий масалаларидан биридир. Бу борада панжарадаги бир ва кўп заррачали Шрёдингер оператори экспериментал кузатишларнинг назарий асоси сифатида хизмат қилади. Шу сабабли қаттиқ жисмлар физикаси, квант механикаси ва статистик физикада учрайдиган панжарадаги бир ва кўп заррачали системаларга мос Шрёдингер операторлари спектрларининг хос қийматлари, дискрет спектри, ва муҳим спектрига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида панжарадаги бир ва кўп квант заррачали системага мос энергия операторлари муҳим спектрининг ўрни, дискрет спектри ва уларнинг сони бир заррачанинг ташқи майдон билан ва кўп заррачали система ўзаро таъсир энергиясининг ўзгаришига нисбатан ўзгарувчан бўлганлиги учун ушбу операторлар спектрига оид муаммоларни ҳал этиш математик физикада муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, бир ва икки заррачали дискрет Шрёдингер операторларининг яккаланган хос қийматларининг, қуйи бўсаға резонанси ва бўсаға хос қийматининг мавжудлигини исботлаш; икки ва кўп заррачали дискрет Шрёдингер операторининг муҳим спектридан пастда ётувчи хос қиймати мавжудлигининг етарли шартини топиш ва муҳим спектрининг тузилиши ва ўрнини аниқлашга оид тадқиқотларни ривожлантириш амалий-назарий жиҳатдан муҳим илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларга эътибор кучайтирилди, хусусан, кубик панжара бўйлаб ҳаракатланадиган бир ва кўп заррачалар системаси билан боғлиқ дискрет Шрёдингер операторлари ва гамилтонларининг спектрал назариясини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. “Алгебра ва унинг татбиқлари, дифференциал тенгламалар ва унинг татбиқлари, чизиқсиз тизимлар, динамик тизимлар ва уларнинг татбиқларини математик моделлаштириш, стохастик таҳлил, тиббий-биологик информатика, ҳисоблаш математикаси¹” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди. Бу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

қарор ижросини таъминлашда квант механикаси, квант майдонлар назарияси, қаттиқ жисмлар физикаси, жумладан, дискрет ва узлуксиз Шрёдингер операторлари, Фридрихс моделларининг спектрал назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Панжарадаги Шрёдингер операторлари назарияси бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Цукуба университети, Кюшу университети (Япония), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Халқаро атом энергияси агентлиги (IAEA, Австрия), Пьер ва Мария Кюри номидаги университет (Франция), Халқаро илмий тадқиқотлар маркази (SISSA, Италия), Назарий физика институти (Цюрих, Швейцария), Реньи математика институти (Венгрия), Миссури университети (АҚШ)да кенг қамровли олиб борилмоқда.

Панжарадаги Шрёдингер операторлари назарияси бўйича олинган натижаларни таҳлил қилишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган. Жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ихтиёрий ўлчамли панжарадаги ташувчиси компакт бўлган потенциалли дискрет Шрёдингер операторларининг спектри ва S -матрицаси умумлашган хос функциялар ёрдамида тасвири ҳамда барча энергияларнинг S -матрицалари ёрдамида потенциал оператори қурилган (Цукуба университети, Санкт-Петербург давлат университети). Шу билан бирга изи чегераланган потенциаллар синфи учун спектрал силжитиш оператори ва дискрет спектри силжитиш операторларининг моменти билан баҳоланиши

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: Annales Henri Poincaré <https://link.springer.com/article/10.1007/s00023-011-0141-0>, International Nuclear Information System https://inis.iaea.org/search/search.aspx?orig_q=RN:51056693, Reviews in Mathematical Physics <https://doi.org/10.1142/S0129055X20500154>, Applications in Rigorous Quantum Field Theory <https://doi.org/10.1515/9783110403541-004>, Mathematical Physics, Analysis and Geometry <https://www.springer.com/journal/11040/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

қаралган (Санкт-Петербург давлат университети); изотропик гармоник тузоғидаги уч заррачали система масаласи унитар чегарада қаралганда, бозонли заррачалар учун икки ҳолат топилган: биринчиси тузоқдаги заррачанинг частотасига, зарралар массасига ва Планк доимийсига боғлиқ универсал ҳолат, иккинчиси Ефимов томонидан кашф этилган уч заррачали боғланган ҳолатга ўхшаш уч заррачали параметрга боғлиқ бўлган ҳолатдир. Тажриба ёрдамида бозон атомлари учун ёт бўлган универсал ҳолатларнинг узоқ вақт содир бўлиши кўрсатилган (Халқаро атом энергияси агентлиги (ИАЕА), Австрия). N заррачали ҳолда, газнинг глобал ҳажмини тавсифловчи уюшган эркинлик даражаси, гипер радиус топилган ва N заррачали резонанс тушунчаси умумлаштирилган (Пьер ва Мария Кюри номидаги университет). Чегараланган дисперсион функциялар учун тортишиш қиймати мусбат бўлганда икки заррачали спин-бозон гамилтониани спектри ва унинг муҳим спектрининг тортишиш қийматига боғлиқлиги батафсил кўрсатилган ҳамда тортишиш қиймати катта бўлганда муҳим спектрнинг икки заррачали ва уч заррачали шохларнинг орасида бўшлиқ пайдо бўлиши исботланган (Назарий физика институти, Швейцария). Скаляр квант майдонида чизиқли тортишувчи икки ҳолатли квант системасини ифодаловчи спин-бозон модели хоссалари ва унга мос гамилтонианинг спектрал хоссалари қаралган (Кюшу университети (Япония), Ренъи математика институти, (Венгрия)).

Дунё миқёсида бугунги кунда қаттиқ жисмлар физикаси, квант механикаси, қаттиқ жисмлар ва квант графлари моделлари учун дискрет бир, икки, уч ва N заррачали гамилтонианлар, уларга мос Шрёдингер операторларининг спектрал хоссаларини татбиқ этиш бўйича бир қатор изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, уларнинг хос қийматлари, боғланган ҳолатлари, муҳим спектри, спектрал силжитиш оператори, тўлқин оператори, сочилиш матрицаси, спектрал ёйилмаси ва спин-бозон гамилтонианининг спектрал хоссалари, хусусан бозонлар сонининг камайиш тартиби, каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир заррачали дискрет Шрёдингер операторлари комбинаторик Лапласианлар ва квант графлари соҳасида катта эътиборни жалб этган. Мисол учун баъзи сўнгги натижалар учун Ф.Чунг, А.Григорьян, Г.Берколаико, П.Экснер, О.Пост, Е.Коротяев ва Н.Сабуроваларнинг ишларида ўз аксини топган. Хусусан, дискрет Шрёдингер операторлари потенциаллари дельта функциялар бўлганда бу операторлар хос қийматларининг ўзгариши С.Альбеверо, Ж.Белиссард ва Х.Шульс-Балдес, Х.Хаяши, Ф.Хирошима, П.Фариа да Вига, С.Лакаев ва И.Бозоровларнинг ишларида қисқача муҳокама қилинган.

Бу натижаларнинг икки заррачали узлуксиз Шрёдингер операторлари учун анологини Ньютон таъкидлаб ўтган ва Х.Тамура эса Б.Саймон томонидан олинган натижалар ёрдамида исботлаган. С.Лакаев, Ф.Хирошима ва П.Фариа да Вига нуқтали потенциаллар учун панжара ўлчами бешга тенг ёки бешдан катта бўлганда қуйи чегарада бўсаға хос қиймати мавжудлигини,

лекин панжара ўлчами бешдан кичик ҳолда эса мавжуд эмаслигини кўрсатишди.

Кўп заррачали узлуксиз гамильтониан ва панжарадаги кўп заррачали дискрет гамильтониан ўртасидаги фундаментал фарқлардан бири шуки, иккинчиси буралишга нисбатан инвариант (турғун) эмас (А.Могилнер, Г.Граф ва Д.Шенкер, С.Лакаев, Д.Яфаевларнинг ишларида қайд этилган (ёки кўрсатилган), яъни кўп заррачали системага мос дискрет гамильтониан узлуксиз фазодаги каби бири масса ҳаракати марказига ва иккинчиси ички эркинлик энергиясига тегишли бўлган иккита қисмга бўлинмайди. Натижада узлуксиз фазодаги ҳолатдан фарқли ўлароқ, тўғри интеграл ёйилмага мос келадиган қатлам гамильтонианлар, яъни дискрет Шрёдингер операторлари параметрик равишда квазиимпульсга боғлиқ бўлади, бунда квазиимпульс панжаранинг фундаментал соҳасида ўзгаради.

С.Альбеверио, С.Лакаев, Ж.Раух, Д.Яфаевларнинг ишида уч ўлчамли ҳақиқий фазодаги икки заррачали узлуксиз Шрёдингер операторлари ҳолатида критик потенциал таъсири натижасида узлуксиз спектрдан қуйида манфий қийматли боғланган ҳолатнинг пайдо бўлиши қаралган.

Кўп заррачали узлуксиз Шрёдингер операторларининг спектрал назариясидаги ажойиб натижалардан бири бу муҳим спектрнинг тузилиши (Хунцикер–ван Винтер–Жислин (ХВЖ) теоремаси) кўплаб ишларда кенг исботланган (масалан В.Энс, Л.Фаддеев, М.Клаус ва Б.Саймон, Р.Рид ва Б.Саймон, Х.Золадекларнинг ишлари ва улардаги ҳаволаларга қаранг). Эслатиб ўтамизки, кўп заррачали узлуксиз Шрёдингер операторлари учун муҳим спектри сонлар ўқидаги ярим ўқдан иборат, бунда интервалнинг чап чегараси номусбат сон бўлиб, икки кластерли қисм гамильтонианлар спектрининг энг қуйи чегарасига тенг. Шундай қилиб, кўп заррачали узлуксиз Шрёдингер операторларининг муҳим спектрида бўшлиқлар мавжуд эмас.

С.Лакаев, Ж.Абдуллаев, С.Саматов, С.Альбевериоларнинг ишларида уч ўлчамли панжарада заррачалар ҳаракатини бир тугундан яқин қўшни тугунларга кўчишини ифодаловчи “дисперсион функция” ларга эга ва нуқтали потенциаллар билан ўзаро таъсирлашувчи учта квант заррачалар системасига мос гамильтонианлар учун муҳим спектрнинг жойлашиши ва тузилиши қаралган.

Адабиётларда панжарадаги кўп заррачали системаларга мос Шрёдингер операторларининг муҳим спектрлари ҳақидаги маълумотлар унча кўп эмас: аналитик дисперсион функциялар ёрдамида аниқланган уч заррачали система гамильтонианининг муҳим спектри С.Альбеверио, С.Лакаев, М.Мўминов; дискрет Лапласиан ва нуқтали потенциалларга эга бўлган тўрт заррачали система учун ХВЖ теоремаси М.Мўминовнинг ишларида кўрсатилган ва панжарада кўп заррачали операторларнинг спектрал хоссаларига боғлиқ баъзи натижалар охириги икки ишларнинг ҳаволаларида келтирилган.

ХВЖ теоремасининг амалий қўлланмаларидан бири у кўп заррачали боғланган ҳолатлар учун вариацион усуллардан самаралироқ фойдаланишга имкон беради. Жуфт-жуфти билан қисқа таъсирлашувчи потенциалларга эга бўлган узлуксиз Шрёдингер операторлари боғланган ҳолатларининг

чеклилигига бағишланган жуда кўп адабиётлар мавжуд (М.Клаус ва Б.Саймон, Ж.Шечтерларнинг ишлари ва улардаги ҳаволаларга қаранг). Шунга қарамай, Ефимов эффекидан бошқа чексизта боғланган ҳолатлар мавжудлиги ҳақида кўп нарса маълум эмас (А.Соболев, Х.Тамура ва Д.Яфаевларнинг ишларига қаранг). Кўп заррачали боғланган ҳолатлар мавжудлигининг етарли шартларини масалан, К.Чадан ва А.Мартин, Д.Болле, Ж.Пересларнинг ишларидан топиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ва илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бонн университетининг амалий математика институти ва фанлараро комплекс тизимлар маркази (IZKS, Германия) DFG 436 USB 113/4 ва DFG 436 USB 113/6 лойиҳаси; Малайзиянинг Путра университети 9190883 рақамли университет тадқиқотлари (RUGS дастури) лойиҳаси; Самарқанд давлат университетининг ОТ-Ф4-66 рақамли лойиҳаси; Япония фанини қўллаб-қувватлаш фонди 15K13445 рақамли лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кубик панжарадаги бир, икки, уч ва N заррачали Шрёдингер операторлари хос қийматлари мавжудлигининг етарли шартини ва муҳим спектрининг ўрнини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: панжарадаги бир заррачали Шрёдингер операторининг қуйи бўсағаси хос қиймати ва қуйи бўсағаси резонанси ва супер бўсаға резонанси пайдо бўлишини кўрсатиш;

система тўла квазиимпульсининг қиймати нолга тенг бўлган ҳолда икки заррачали Шрёдингер оператори бўсаға хос қиймати ёки бўсаға хос қиймати ва қуйи бўсаға резонансига эга бўлганда, квазиимпульсининг нолмас қийматлари учун икки заррачали Шрёдингер оператори муҳим спектри тубидан пастда дискрет спектр мавжудлигининг етарли шартини топиш;

уч заррачали дискрет Шрёдингер оператори муҳим спектрининг чекли сондаги кесмалардан ташкил этишини аниқлаш;

потенциаллар ва дисперсион муносабатларнинг кенг синфи учун панжарадаги N заррачали Шрёдингер оператори учун ХВЖ (Хунцикер–ван Винтер–Жислин) теоремасининг аналогини исботлаш;

потенциаллар ва дисперсион муносабатларнинг кенг синфи учун панжарадаги N заррачали Шрёдингер оператори муҳим спектридан пастда ётувчи хос қиймати мавжудлигининг етарли шартларини топиш.

Тадқиқотнинг объекти: Кубик панжарадаги бир, икки, уч ва N заррачали Шрёдингер операторлари.

Тадқиқотнинг предмети. Операторлар назарияси, спектрал назария, функциялар назарияси, матрицалар назарияси, тенгламалар назарияси, кўзғалишлар назарияси, асимптотикалар назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида комплекс анализ, функционал анализ, чизикли операторлар назарияси, аналитик функциялар, резольвента учун Фаддеев–Ньютон интеграл тенгламаси, хос функциялар учун Вайнберг–ван Винтер тенгламаси, Бирман–Швингер принципи, вариацион усуллар, Фредгольм детерминантининг аналитик давоми усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир заррачали Шрёдингер оператори учун қуйи бўсаға хос қиймати, қуйи бўсаға резонанси ва супер бўсаға резонансининг пайдо бўлиши кўрсатилган;

квазиимпульснинг нолмас қийматлари учун икки заррачали Шрёдингер оператори муҳим спектри тубидан пастда дискрет спектр мавжудлигининг етарли шартлари топилган;

уч заррачали дискрет Шрёдингер операторининг муҳим спектри чекли сондаги кесмалардан иборат эканлиги исботланган;

панжарадаги N заррачали дискрет Шрёдингер оператори учун ХВЖ теоремасининг аналоги диаграммалар усули ёрдамида исботланган;

панжарадаги N заррачали Шрёдингер операторининг муҳим спектридан пастда хос қиймати мавжудлигининг етарли шартлари топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари бир ва кўп заррачали Шрёдингер операторларининг ҳамда параметрга боғлиқ Фридрихс модел операторларининг спектрал хоссалари устида изланишда фойдаланилган;

кўп заррачали дискрет Шрёдингер операторлари учун боғланган ҳолатларнинг мавжудлиги билан боғлиқ спектрал хоссалари бўйича олинган натижадан нейтронларга бой деформацияланган лантаноид ядроларининг кўзгалган ҳолатлари динамикасини симуляция қилишда ядро ҳаракати ва электрон ҳолатлар ўртасида кучли тортишувида таъсирлашув энергия сатҳларининг қийматларини ва потенциал энергия сатҳини ҳисоблашда экспериментал кузатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида резольвента учун Фаддеев–Ньютон интеграл тенгламаси, хос функциялар учун Вайнгберг-ван Винтер тенгламаси, Бирман-Швингер принципи, вариацион усул, Фредгоlm детерминантининг аналитик давоми усулидан фойдаланилганлиги ҳамда қатъий математик мулоҳазаларни қўллаш орқали, математик исботлашлар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ўз-ўзига қўшма операторлар спектрал назарияси, квант майдонлар назарияси, хусусан, бир, икки, уч ва кўп заррачали система гамильтонианларининг спектрал назариясининг кейинги ривожидида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва қўллашга назарий асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Панжарадаги бир ва кўп заррачали дискрет Шрёдингер операторининг муҳим ва дискрет спектрлари бўйича олинган натижалар асосида:

бир заррачали ва икки заррачали дискрет Шрёдингер операторларининг спектрал хоссалари бўйича олинган натижадан етакчи хорижий журналларда (Rend. Mat. Appl. **39** (7), 161 – 180 (2018); Journal of Physics A: Mathematical and

Theoretical, **46** (20), 205304 (2013); Technology audit and production reserves, **4** (54), 46-49 (2020); Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical, **40**, 10109 (2007); Journal of Physics A: Mathematical and General, **39** (26), 8377 (2006); Phys. Rev. Lett. **107**, 030504 (2011), Complex Analysis and Operator Theory, **2**, 637–668 (2008); Complex Analysis and Operator Theory, **4**, 1–38 (2010)) баъзи икки ва уч заррачали гамилтониани, потенциал оператори дельта функциядан иборат кўп заррачали Шрёдингер операторларининг ҳамда параметерга боғлиқ Фридрихс модел операторларининг спектрал хоссаларини устида изланишда фойдаланилган;

панжарадаги уч заррачали дискрет Шрёдингер операторларининг муҳим спектри ва хос қийматлари сони учун олинган натижалардан етакчи хорижий журналларда (Reviews in Mathematical Physics, **32** (06), 2050015 (2020); Journal of Physics A: Mathematical and Theoretical, **40** (49), 14819 (2007); Europhysics Letters Association EPL (Europhysics Letters), **86** (6), 6006 (2009); Russian Mathematics (Izvestiya VUZ. Matematika), **54** (2), 16–27 (2010); Journal of Mathematical Physics **49**, 093502 (2008)) ва хорижий китобларда (Applications in Rigorous Quantum Field Theory, 2 tom, De Gruyter 2020) ва хорижий PhD диссертация (Thesis/Dissertation, Humboldt-Universitaet, Berlin (Germany). Report Number INIS-DE-1118, Jun 18, 2010; Thesis/Dissertation, Universite Pierre et Marie Curie – Paris 6 (France). Report Number FRNC–TH–10838) фойдаланилиб, улар уч заррачали дискрет ва узлуксиз Шрёдингер операторларининг муҳим спектрининг ўрни, хос қийматлари сонининг чеклилиги ёки чексизлигини; спин-бозон гамилтонианлаиринг муҳим спектрини ташкил этган кесмалар сонини аниқлаш имконини берган;

кўп заррачали дискрет Шрёдингер операторлари учун боғланган ҳолатларнинг мавжудлиги билан боғлиқ спектрал хоссалари бўйича олинган натижадан FRGS19–039–0647 рақамли хорижий грант лойиҳасида нейтронларга бой деформацияланган лантаноид ядроларининг кўзғалган ҳолатлари динамикасини симуляция қилишда ядро ҳаракати ва электрон ҳолатлар ўртасида кучли таъсирлашувини таҳлил қилишда фойдаланилган (2020 йил 5-март, Малайзия ҳалқаро ислом университетининг 001-КОЕ-21 рақамли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши таъсирлашув энергия сатҳларини, қийматларини ва потенциал энергия сатҳини ҳисоблашда экспериментал кузатиш имконини берган;

бир заррачали дискрет Шрёдингер оператори учун хос қийматларини ўзгаришишни таҳлил қилиш натижасида олинган натижалар Малайзия муҳитига мос келадиган бир нечта молиявий муаммоларни башорат қилишда математик воситаларни таҳлил этишга мўлжалланган LRGS/TD/2011/УКМ/ICT/03/02 рақамли хорижий грант лойиҳасида (2021 йил 5-март, Малайзия Миллий университетининг маълумотномаси) қаралган математик модель-дискрет каср Лапласианнинг хос қийматлари сони учун баҳо олиш имконини берган;

диссертациядаги бир заррачали Шрёдингер операторларга доир хос қийматларнинг ўзгаришига доир натижалар FRGS/1/2018/STG06/USIM/02/1 рақамли хорижий грант лойиҳасида фойдаланилган (2021 йил 10-феврал, Малайзия Ислон табиий фанлари университетининг маълумотномаси) қўлланилиши параметерга боғлиқ чизиқли ўз-ўзига қўшма дифференциал операторнинг энг кичик хос қиймати мавжудлиги ва унга мос хос функциянинг бир карралилигини исботлашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 27 та мақола, жумладан, 18 таси хорижий скопус базаси рўйхатига кирган ва 9 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 153 (титул, мундарижа ва адабиётлар рўйхати иш ҳажмига кирмайди) саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, бу қисмда диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Ўлчами d га тенг панжарадаги дельта потенциалли бир заррачали Шрёдингер операторининг бўсағаси**” деб номланувчи биринчи бобида ўлчами d га тенг \mathbb{Z}^d панжарада $d + 1$ та дельта потенциалли $H_{\lambda\mu}$ ($\lambda, \mu \in \mathbb{R}$) бир заррачали дискрет Шрёдингер операторининг хос қийматининг ўзгаришини тадқиқ қиламиз. Панжара ўлчами $d \geq 2$ бўлганда бир заррачали Шрёдингер операторининг қуйи бўсаға хос қиймати ва қуйи бўсаға резонанси ва $d = 1$ учун эса супер бўсаға резонансини пайдо бўлиши кўрсатилган.

Квазиимпульс тасвирда, $H_{\lambda\mu}$ оператор $L^2(\mathbb{T}^d) - \mathbb{T}^d = (-\pi, \pi]^d$ даги L^2 - функциялар гильберт фазосида таъсир қилади:

$$H_{\lambda\mu} = H_0 - V,$$

бунда H_0 функцияга кўпайтириш оператори:

$$(H_0 f)(p) = E(p)f(p), \quad f \in L^2(\mathbb{T}^d)$$

бунда $E(p)$ функция қуйидаги формула билан аниқланган

$$E(p) = \sum_{j=1}^d (1 - \cos p_j), \quad p = (p_1, \dots, p_d) \in \mathbb{T}^d,$$

V эса интеграл оператор:

$$(Vf)(p) = (2\pi)^{-\frac{d}{2}} \int_{\mathbb{T}^d} v(p-s)f(s)ds, \quad f \in L^2(\mathbb{T}^d).$$

Бу ерда интеграл операторнинг ядроси $v(\cdot)$ қуйидагича аниқланган

$$v(p) = (2\pi)^{-\frac{d}{2}} \left(\mu + \lambda \sum_{i=1}^d \cos p_i \right), \quad \lambda, \mu \in \mathbb{R}, \quad p = (p_1, \dots, p_d) \in \mathbb{T}^d.$$

Потенциал оператор V нинг ранги чекли бўлганлиги сабабли, унинг муҳим спектри $\sigma_{\text{ess}}(H_{\lambda\mu})$ қуйидаги хоссага эга:

1-тасдиқ. $\sigma_{\text{ess}}(H_{\lambda\mu}) = \sigma_{\text{ac}}(H_{\lambda\mu}) = \sigma(H_0) = [0, 2d]$ тенглик ўринли.

1-таъриф. (Бўсаға хос қиймати ва бўсаға резонанси) *Фараз қилайлик f $H_{\lambda\mu} f = 0$ тенгламанинг ечими бўлсин.*

- a) Агар $f \in L^2(\mathbb{T}^d)$ муносабат бажарилса, унда 0 сони $H_{\lambda\mu}$ операторнинг қуйи бўсага хос қиймати дейилади.
- b) Агар $f \in L^1(\mathbb{T}^d) \setminus L^2(\mathbb{T}^d)$ бажарилса, унда 0 сони $H_{\lambda\mu}$ операторнинг қуйи бўсага резонанси дейилади.
- c) Агар $f \in L^\varepsilon(\mathbb{T}^d) \setminus L^1(\mathbb{T}^d)$ ($0 < \varepsilon < 1$) бажарилса, унда 0 сони $H_{\lambda\mu}$ операторнинг қуйи бўсага супер-резонанси дейилади.


1-бобнинг асосий натижаларини баён қилиш учун, асимптотаси $(\lambda_\infty, \mu_\infty)$ куйидаги гиперболани киритамиз

$\mathfrak{H}_0 = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2 \mid \mathcal{H}_0(\lambda, \mu) = 0\}$ (1- ва 2- чизмаларга қаранг), бунда


$$\mathcal{H}_0(\lambda, \mu) = \begin{cases} (\lambda - \lambda_\infty)(\mu - d) - d & \text{агар } d \geq 3 \\ (\lambda - 1)(\mu - d) - d & \text{агар } d = 1, 2 \end{cases}$$

Бу ерда

$$\mu_\infty = d, \quad \lambda_\infty = \int_{\mathbb{T}^d} \frac{1}{E(p)} dp \Big/ \int_{\mathbb{T}^d} \frac{\cos^2 p_1}{E(p)} dp, \quad d \geq 3, \quad \text{ва } \lambda_\infty = 1, \quad d = 1, 2.$$



1-чизма. $d \geq 3$ учун G_j соҳалар



2-чизма. $d = 1, 2$ учун G_j соҳалар

\mathfrak{H}_0 гиперболанинг Γ_l ва Γ_r шохлари \mathbb{R}^2 текисликни куйидаги учта очик тўпلامга ажратади

$$G_0 = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \mathcal{H}_0(\lambda, \mu) > 0, \lambda < \lambda_\infty\}, \quad G_1 = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \mathcal{H}_0(\lambda, \mu) < 0\},$$

$$G_2 = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \mathcal{H}_0(\lambda, \mu) > 0, \lambda > \lambda_\infty\}.$$

Куйидаги тенгликларни киритамиз

$$\lambda_c = \frac{1}{\alpha}, \quad \alpha = \frac{1}{(2\pi)^d} \int_{\mathbb{T}^d} \frac{(\cos q_1 - \cos q_2)^2 dq}{E(q)} \quad \text{агар } d \geq 2.$$

$$\lambda_s = \frac{1}{s}, \quad s = \frac{1}{(2\pi)^d} \int_{\mathbb{T}^d} \frac{dq}{E(q)} \quad \text{агар } d \geq 3, \quad \text{ва } s = 1 \text{ агар } d = 1, 2.$$

Юқоридаги каби (λ, μ) – текисликни \mathfrak{E}_\pm иккита ярим текисликга ва \mathfrak{E}_0 уларнинг чегарасига (мос ҳолда \mathfrak{S}_\pm иккита ярим текисликка ва \mathfrak{S}_0 уларнинг чегарасига) бўламиз

$\mathfrak{E}_- = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \lambda < \lambda_c\}$, $\mathfrak{E}_0 = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \lambda = \lambda_c\}$, $\mathfrak{E}_+ = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \lambda > \lambda_c\}$
 (мос ҳолда

$\mathfrak{S}_- = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \lambda < \lambda_s\}$, $\mathfrak{S}_0 = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \lambda = \lambda_s\}$, $\mathfrak{S}_+ = \{(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2; \lambda > \lambda_s\}$)

Шуни таъкидлаб ўтамышки, $\mathfrak{S}_- \subset \mathfrak{E}_-$ ва $\mathfrak{E}_+ \subset \mathfrak{S}_+$ муносабатлар ўринли ва биз \mathfrak{H}_0 гиперболо ва унинг шоҳлари Γ_l ва Γ_r ёрдамида қуйидаги очик тўпламларни аниқлаймиз


$$D_0 = G_0, \quad D_1 = G_1 \cap \mathfrak{S}_-, \quad D_2 = G_2 \cap \mathfrak{S}_-, \quad D_{d+1} = G_1 \cap (\mathfrak{S}_+ \cap \mathfrak{E}_-), \\ D_{d+2} = G_2 \cap (\mathfrak{S}_+ \cap \mathfrak{E}_-), \quad D_{2d} = G_1 \cap \mathfrak{E}_+, \quad D_{2d+1} = G_2 \cap \mathfrak{E}_+.$$

Юқоридаги тўпламларнинг чегараси 8 та кесишмайдиган чизиқдан:


$$B_0 = \Gamma_l, \quad B_1 = \Gamma_r \cap \mathfrak{S}_-, \quad B_{d+1} = \Gamma_r \cap (\mathfrak{S}_+ \cap \mathfrak{E}_-), \quad B_{2d} = \Gamma_r \cap \mathfrak{E}_+, \\ S_1 = \mathfrak{S}_0 \cap G_1, \quad S_2 = \mathfrak{S}_0 \cap G_2, \quad C_{d+1} = \mathfrak{E}_0 \cap G_1, \quad C_{d+2} = \mathfrak{E}_0 \cap G_2,$$

ҳамда қуйидаги иккита нуқтадан ташкил топади (3-чизмага қаранг)

$$A = \Gamma_r \cap \mathfrak{S}_0, \quad B = \Gamma_r \cap \mathfrak{E}_0.$$



$d = 2$



$d \geq 3$

3-чизма. Гипербола. $d \geq 2$ ҳолларда

Панжаранинг ўлчами $d \geq 2$ бўлганда асосий теоремани баён қиламиз.

1-теорема. $d \geq 2$ бўлсин.

- Агар $(\lambda, \mu) \in D_k$ бўлса, у ҳолда $H_{\lambda\mu}$ операторнинг $(-\infty, 0)$ интервалда k та хос қиймати мавжуд, лекин қуйи бўсага хос қиймати ва қуйи бўсага резонанси йўқ (1-жадвалга қаранг).
- Ихтиёрий $(\lambda, \mu) \in \mathbb{R}^2$ учун 0 сони $H_{\lambda\mu}$ оператор учун қуйи бўсага супер-резонанси бўлмайди.
- Фараз қилайлик (λ, μ) жуфтлик B_k, S_k, C_k ва A, B бўлсин. У ҳолда 2-жадвалдаги натижалар тўғри.

1-жадвал. (λ, μ) жуфтлик D_k да ва $d \geq 2$ бўлганда $H_{\lambda\mu}$ нинг спектри.

	D_0	D_1	D_2	D_{d+1}	D_{d+2}	D_{2d}	D_{2d+1}
Э.в.ин $(-\infty, 0)$	0	1	2	$d+1$	$d+2$	$2d$	$2d+1$

2-жадвал. $d \geq 2$ бўлганда (λ, μ) жуфлик D_k нинг қиррасида $H_{\lambda\mu}$ нинг спектри.

	B_k чизик		S_k чизик		C_k чизик		A нуқта		B нуқта	
$(-\infty, 0)$ даги хос қиймат	k		k		k		1		$d+1$	
Бўсага резонанси	$d=2$	–	$d=2$	2	$d \geq 2$ –	$d=2$	–	$d=2$	2	
	$d=3,4$	1	$d \geq 3$	–		$d=3,4$	1	$d=3,4$	1	
	$d \geq 5$	–				$d \geq 5$	–	$d \geq 5$	–	
Бўсага хос қиймати	$d=2$	–	$d=2$	–	$d \geq 2$ $d-1$	$d=2$	–	$d=2$	1	
	$d=3,4$	–	$d \geq 3$	d		$d=3,4$	d	$d=3,4$	$d-1$	
	$d \geq 5$	1				$d \geq 5$	$d+1$	$d \geq 5$	d	

Энди $d=1$ бўлганда асосий теоремани баён қиламиз.

2-теорема. $d=1$ бўлсин.

- Агар $(\lambda, \mu) \in D_k$ бўлса, у ҳолда $H_{\lambda\mu}$ операторнинг $(-\infty, 0)$ интервалда k та хос қиймати мавжуд, лекин қуйи бўсага хос қиймати ва қуйи бўсага резонанси йўқ (3-жадвалга қаранг).
- Агар $(\lambda, \mu) \in S_1$ бўлса, у ҳолда $H_{\lambda\mu}$ нинг қуйи бўсага супер-резонанси мавжуд.
- Агар $(\lambda, \mu) \in B_k \cup S_1$ бўлса, у ҳолда 4-жадвалда келтирилган натижалар тўғри.
- Хусусан $H_{\lambda\mu}$ оператор учун қуйи бўсага хос қиймати ва қуйи бўсага резонанси мавжуд эмас.


3-жадвал. (λ, μ) жуфлик D_k да ва $d=1$ бўлганда $H_{\lambda\mu}$ нинг спектри.

	D_0	D_1	D_2	D_3
$(-\infty, 0)$ даги хос қиймат	0	1	2	3

4-жадвал. $d=1$ бўлганда (λ, μ) жуфлик D_k нинг қиррасида $H_{\lambda\mu}$ нинг спектри.

	B_k чизик	S_k чизик
$(-\infty, 0)$ даги хос қиймат	k	k
Бўсага резонанси	–	–
Бўсага хос қиймати	–	–

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, тайинланган λ учун μ нинг қиймати ўзгарганда $H_{\lambda\mu}$ нинг спектри ўзгаради. Буни 1-, 2-, 3-чизмалардан ҳам кўриш мумкин. Чизмалардаги чизиклар гипербола ва вертикал тўғри чизиклардан иборат. Шу сабабли гиперболанинг вертикал асимптотаси вертикал чизиклар билан кесишмайди.



4-чизма. Гипербола. $d = 1$ ҳолда

Кўриш мумкинки, $d = 1, 2$ бўлганда

$$\{(1, \mu) \in \mathbb{R}^2; \mu \in \mathbb{R}\} \quad \text{va} \quad \{(\lambda, d) \in \mathbb{R}^2; \lambda \in \mathbb{R}\}$$

чизиқ $\mathcal{H}_z(\lambda, \mu) = 0$ гиперболанинг асимптоталари бўлади. Иккинчи томондан эса $d \geq 3$ ҳолда

$$\{(\lambda_\infty, \mu) \in \mathbb{R}^2; \mu \in \mathbb{R}\} \cup \{(\lambda, d) \in \mathbb{R}^2; \lambda \in \mathbb{R}\}$$

$\mathcal{H}_z(\lambda, \mu) = 0$ гиперболанинг асимптоталари бўлади.

Қуйидаги натижани ҳавола қиламиз.

Натижа 1. Фараз қилайлик $d = 1, 2$ учун $\lambda = 1$ ва $d \geq 3$ учун $\lambda = \lambda_\infty$ бўлсин.

- Агар $d = 1$ бўлса, у ҳолда ҳар бир μ учун $H_{\lambda, \mu}$ операторнинг қуйи супер-бўсага резонанси ва $(-\infty, 0)$ интервалда ягона хос қиймати мавжуд.
- Агар $d \geq 2$ бўлса, у ҳолда ҳар бир μ учун $H_{\lambda, \mu}$ операторнинг $(-\infty, 0)$ интервалда ягона хос қиймати мавжуд.

Диссертациянинг “Панжарадаги икки заррачали гамильтониан учун бўсага эффеќти” номли иккинчи бобида квазиимпульснинг нол қийматида $h(0)$ икки заррачали гамильтониан (уч ва тўрт ўлчамли панжарада) қуйи бўсага резонансига ва (уч ва ундан катта ўлчамли панжарада) қуйи бўсага хос қийматига эришганда $k \in \mathbb{T}^d$ квазиимпульснинг нолдан фарқли қийматларига, $0 \neq k \in \mathbb{T}^d$ мос $h(k)$ икки заррачали гамильтонианнинг муҳим спектрдан қуйида хос қиймати мавжудлигини етарли шартини вариацион усул билан исботланган.

Икки заррачали Шрёдингер оператори, $h(k)$ ($k \in \mathbb{T}^d$) қуйидагича аниқланади

$$h(k) = h^0(k) + v,$$

бунда

$$(h^0(k)f)(p) = \mathcal{E}_k(p)f(p),$$

$$(vf)(p) = (2\pi)^{\frac{d}{2}} \int_{\mathbb{T}^d} v(p-q)f(q)dq, \quad f \in L^2(\mathbb{T}^d)$$

ва икки заррачали дисперсион муносабат

$$\mathcal{E}_k(p) = \varepsilon_1(p) + \varepsilon_2(k - p), \quad p \in \mathbb{T}^d,$$

$k \in \mathbb{T}^d$ квазиимпульсга параметрик боғлиқ.

Панжара ўлчами $d = 3, 4$ бўлган ҳолда икки заррачали энергия оператори $h(0)$ қуйи бўсага резонансига (виртуал сатҳ) эга бўлишини таъминлаш учун $\varepsilon_1(p)$, $\varepsilon_2(p)$ бир заррачали дисперсион муносабатлар ва интеграл оператор ядроси $v(p)$ функциялар силлиқликлгини таъминлаш учун қуйидаги фаразни қабул қиламиз.

1-фараз. Фараз қилайлик $\varepsilon_\alpha(p)$ ($\alpha = 1, 2$) функция \mathbb{T}^d да (даврий) узлуксиз ҳақиқий қийматли ва шартли манфий аниқланган ва ягона (айнимаган) минимумга эга ва

$$\liminf_{|p| \rightarrow 0} \frac{\varepsilon_\alpha(p) - \varepsilon_\alpha(0)}{|p|^2} > 0$$

бўлсин. Бунга қўшимча қилиб, $v(p)$ функция \mathbb{T}^d да узлуксиз ва қуйидаги тенгликни қаноатлантирсин

$$v(p) = \overline{v(-p)}, \quad p \in \mathbb{T}^d.$$

2-таъриф. Агар $\varepsilon: \mathbb{T}^d \rightarrow \mathbb{C}$ комплекс қийматли функция $\varepsilon(p) = \overline{\varepsilon(-p)}$ ва

$$\sum_{i,j=1}^n \varepsilon(p_i - p_j) z_i \bar{z}_j \leq 0$$

тенгсизликни барча $n \in \mathbb{N}$, ихтиёрий $p_1, p_2, \dots, p_n \in \mathbb{T}^d$ ва барча $z = (z_1, z_2, \dots, z_n) \in \mathbb{C}^n$ ($\sum_{i=1}^n z_i = 0$) учун қаноатлантирса, бу функцияга шартли манфий аниқланган функция дейилади.

1-фаразга асосан $h^0(k)$, $k \in \mathbb{T}^d$ операторнинг v -қўзғатувчи оператори Гильберт-Шмидт оператори бўлади ва муҳим спектрнинг турфинлиги ҳақидаги Вейл теоремасига кўра $h(k)$ операторнинг муҳим спектри $h^0(k)$ оператор спектрига тенг, ва ҳақиқий ўқдаги қуйидаги кесма билан устма-уст тушади

$$\sigma_{\text{ess}}(h(k)) = [\mathcal{E}_{\min}(k), \mathcal{E}_{\max}(k)],$$

бунда

$$\mathcal{E}_{\min}(k) = \min_{q \in \mathbb{T}^d} \mathcal{E}_k(q), \quad \mathcal{E}_{\max}(k) = \max_{q \in \mathbb{T}^d} \mathcal{E}_k(q).$$

Муҳим спектрдан ташқаридаги ҳар бир $\lambda \leq \mathcal{E}_{\min}(0)$ учун, \mathbb{T}^d ($d \geq 3$) да аниқланган узлуксиз даврий функцияларнинг $C(\mathbb{T}^d)$ Банах фазосида (Бирман-Швингер) ядроси

$$G(p, q; \lambda) = (2\pi)^{\frac{d}{2}} v(p - q) (\mathcal{E}_0(q) - \lambda)^{-1}, \quad p, q \in \mathbb{T}^d.$$

дан иборат бўлган $G(\lambda)$ интеграл операторни аниқлаймиз.

Бўсага ходисасини $\lambda = \mathcal{E}_{\min}(0)$ бўлганда Альбеверио, Кострекин ва Шрадернинг ишларидаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, 1-фараз бажарилганда қуйидаги беш ҳолатни қараб чиқамиз:

I ҳол: -1 сони $G(\mathcal{E}_{\min}(0))$ оператор учун хос қиймат бўлмасин, яъни
 $0 = \dim \text{Ker}(h(0) - \lambda I) = \dim \text{Ker}(G(\lambda) + I)$.

II ҳол: -1 сони $G(\mathcal{E}_{\min}(0))$ оператор учун оддий хос қиймат ва унга мос ψ хос функция қуйидаги шартни қаноатлантирсин

$$\frac{\psi(\cdot)}{\mathcal{E}_0(\cdot) - \mathcal{E}_{\min}(0)} \notin L^2(\mathbb{T}^d),$$

яъни,

$$0 = \dim \text{Ker}(h(0) - \lambda I) \quad \text{ва} \quad \dim \text{Ker}(G(\lambda) + I) = 1.$$

III ҳол: -1 сони $G(\mathcal{E}_{\min}(0))$ оператор учун хос қиймат ва унга мос ихтиёрий ψ хос функция қуйидаги шартни қаноатлантирсин

$$\frac{\psi(\cdot)}{\mathcal{E}_0(\cdot) - \mathcal{E}_{\min}(0)} \in L^2(\mathbb{T}^d),$$

яъни,

$$1 \leq \dim \text{Ker}(h(0) - \lambda I) = \dim \text{Ker}(G(\lambda) + I).$$

IV ҳол: -1 сони $G(\mathcal{E}_{\min}(0))$ оператор учун хос қиймат ва унга мос камида битта ψ хос функция қуйидаги шартни қаноатлантирсин

$$\frac{\psi(\cdot)}{\mathcal{E}_0(\cdot) - \mathcal{E}_{\min}(0)} \notin L^2(\mathbb{T}^d),$$

яъни,

$$2 \leq \dim \text{Ker}(G(\lambda) + I) \geq \dim \text{Ker}(h(0) - \lambda I) + 1.$$

V ҳол: -1 сони $G(\mathcal{E}_{\min}(0))$ оператор учун хос қиймат ва
 $\dim \text{Ker}(h(0) - \lambda I) + 2 \leq \dim \text{Ker}(G(\lambda) + I)$.

Юқоридаги синфлашдан фойдаланиб, $d = 3$ ва $d = 4$ ўлчамларда бўсага резонанси таърифига келамиз ($d \geq 5$ ўлчамларда II, IV ва V ҳоллар содир бўлмайди).

3-таъриф. *Фараз қилайлик $d = 3, 4$ бўлсин. II, IV ва V ҳоллардан бири содир бўлса, $h(0)$ оператор бўсага резонансига эришади деб айтилади.*

1-эслатма. *Панжарадаги бўсага резонанси тушунчаси узлуксиз фазодаги таърифнинг тўғридан-тўғри аналоги ҳисобланади. Панжара ўлчами $d = 1$ ва $d = 2$ бўлганда бўсага резонанси тушунчасини ҳам киритиш мумкин. Бироқ, кичик ўлчамларда Бирман-Швингер ядросининг сингулярлиги бизнинг ёндашувимизни тўғридан-тўғри қўллашга имкон бермайди.*

Бундан кейин биз $d \geq 3$ деб фараз қиламиз.

Биринчи натижа кўрсатадики, квазиимпульснинг ўзгариши таъсирида $h(k)$ нинг дискрет спектри бўсага орқали муҳим спектрнинг ичига сўрилмайди.

3-теорема. *Панжара ўлчами $d \geq 3$ ҳамда 1-фараз бажарилсин. Қўшимчасига дисперсион муносабатлар $\varepsilon_j(p)$, $j = 1, 2$, икки марта узлуксиз дифференциалланувчи функциялар бўлсин. Ҳар бир $k \in \mathbb{T}^d$ учун $h(k)$ операторнинг қуйи чегарасини қуйидагича аниқлаймиз*

$$m(k) = \inf \sigma(h(k)), \quad k \in \mathbb{T}^d.$$

Агар $h(0)$ операторнинг қуйи чегараси $m(0) < \mathcal{E}_{\min}(0)$ хос қиймат бўлса, унда қуйидаги муносабат ўринли

$$\mathcal{E}_{\min}(0) - m(0) < \mathcal{E}_{\min}(k) - m(k), \quad k \in \mathbb{T}^d, \quad k \neq 0, \quad d \geq 3.$$

Бизнинг иккинчи натижамиз иккинчи бобнинг асосий натижаси ҳисобланиб, у тўла гамильтониан $h(k)$ ($k \neq 0$) нинг муҳим спектрдан қуйида дискрет спектри бўш бўлмаслигини етарли шартини тامينлайди.

4-теорема. *Панжара ўлчами $d \geq 3$ ҳамда 1-фараз бажарилсин. Қўшимчасига дисперсион муносабатлар $\varepsilon_j(p)$, $j = 1, 2$, икки марта узлуксиз дифференциалланувчи функциялар бўлсин. Агар оператор $h(0)$ бўсага хос қиймати ёки бўсага резонансига эришса, у ҳолда барча $k \in \mathbb{T}^d \setminus \{0\}$ лар учун $h(k)$ гамильтонианнинг дискрет спектри муҳим спектрнинг қуйи чегараси, $\mathcal{E}_{\min}(k)$ дан чанда бўш тўплам бўлмайди.*

Диссертациянинг “**Панжарадаги уч заррачали Шрёдингер операторининг муҳим спектрининг тузилиши**” деб аталувчи учинчи бобида уч ўлчамли панжарада уч заррачали система қаралади, бунда заррачалар “*дисперсион тақсимооти*” нинг ташувчиси компакт бўлиши шарт эмас ҳамда улар жуфт-жуфти билан ўзаро таъсирлашувчи потенциаллар ёрдамида берилган.

Импульсли тасвирда, $H(K)$, $K \in \mathbb{T}^3$ уч заррачали дискрет Шрёдингер операторлари $L^2((\mathbb{T}^3)^2)$ Гильберт фазосида қуйидаги формула билан берилади

$$H(K) = H_0(K) - V_1 - V_2 - V_3,$$

бунда $H_0(K)$ ва V_α операторлар $(k_\alpha, k_\beta) \in (\mathbb{T}^3)^2$ координаталар системасида $L^2((\mathbb{T}^3)^2)$ фазода қуйидагича таъсир этади:

$$(H_0(K)f)(k_\alpha, k_\beta) = E_{\alpha\beta}(K; k_\alpha, k_\beta) f(k_\alpha, k_\beta), \quad f \in L^2((\mathbb{T}^3)^2),$$

ва

$$(V_\alpha f)(k_\alpha, k_\beta) = (2\pi)^{\frac{3}{2}} \int_{\mathbb{T}^3} v_\alpha(k_\beta - k'_\beta) f(k_\alpha, k'_\beta) dk'_\beta, \quad f \in L^2((\mathbb{T}^3)^2).$$

Бу ерда $(k_\alpha, k_\beta) \in (\mathbb{T}^3)^2$ ($\{\alpha, \beta, \gamma\} = \{1, 2, 3\}$) координаталар $k_1 + k_2 + k_3 = K$ тенглик билан боғланган, кўпайтириш функцияси

$$E_{\alpha\beta}(K; k_\alpha, k_\beta) = \varepsilon_\alpha(k_\alpha) + \varepsilon_\beta(k_\beta) + \varepsilon_\gamma(K - k_\alpha - k_\beta),$$

йиғинди ёрдамида аниқланади, бунда $\varepsilon_\alpha(p)$ ва $v_\alpha(p)$ ($\alpha = 1, 2, 3$) функциялар \mathbb{T}^3 да аниқланган ҳақиқий қийматли узлуксиз функциялар ҳамда

$$v_\alpha(p) = \overline{v_\alpha(-p)}, \quad p \in \mathbb{T}^3.$$

Асосий натижани баён қилишимиз мақсадида $\varepsilon_\alpha(p)$ ($\alpha = 1, 2, 3$) дисперсион муносабат ва интеграл операторнинг ядроси $v_\alpha(p)$ ($\alpha = 1, 2, 3$) функциялар учун қуйидаги фаразни қабул қиламиз.

